

ШАРТНОМА

Lot№

Уйчи шахарчаси

№ 01/10-2

2022 йил 24 Январь

OV41131225

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" деб юритилувчи "Коробо"МЧЖ" номидан иш кўрувчи А.Жураев бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "ХАРИДОР" деб юритилувчи Уйчи туман мактабгача таълим бўлими номидан раҳбари Э.Тўрабоева иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. "Етказиб берувчи" мазкур шартнома бўйича "Харидор"га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги озик-овкат махсулотларини (кейинги уринда махсулот деб аталади) шартноманинг 1-иловасига мувофиқ мактабгача таълим ташкилотлари кесимида етказиб бериш, "Харидор" эса етказиб берилган махсулотларни қабул қилиб олиб, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

№	Махсулот номи	Улчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси	Етказиб бериш муддати
1	Ўсимлик ёғи	литр	235,00	14 999,45	3 524 870,75	Январь
2	Шакар	кг	690,00	8 999,90	6 209 931,00	Январь
3	Сарикёғ 82,5%ли	кг	335,00	43 999,00	14 739 665,00	Январь
4	Пишлоқ	кг	210,00	44 999,50	9 449 895,00	Январь
5	Мол гўшти	кг	449,00	60 000,00	26 940 000,00	Январь
6	Товуқ гўшти	кг	35,00	20 000,00	700 000,00	Январь
Жами:					61 564 361,75	

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси

61 564 361,75

олтмиш бир миллион беш юз олтмиш тўрт минг уч юз олтмиш сум 75 тийин

2.2. "Харидор" олинadиган махсулотлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган, яъни 30 фоиз аванс тўловини олдиндан "Етказиб берувчи" ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. "Етказиб берувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 10 кун муддатда махсулотларни "Харидор"га етказиб беради.

2.4. "Харидор" тақдим этилган ҳужжатларга асосан 90 кундан ортиқ бўлмаган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.

2.5. Етказиб берилган махсулотлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Харидор"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Олинadиган махсулотлари "Харидор"га транспортда ташилганда "Етказиб берувчи"дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги махсулотлари етказиб берилишини талаб қилиш;
мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Етказиб берувчи"дан талаб қилиш.

ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган махсулотларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

3.2. "Етказиб берувчи" қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган махсулотлари учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини Харидордан талаб қилиш;

"Харидор"га махсулотларини мазкур шартномага мувофиқ "Харидор" буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш.

